

Шинам ётоқхона боис эҳсон оши

Жорий йилнинг 14 сентябрь куни “Гидромелиорация” факультети жамоаси 4-сонли талабалар турар жойининг очилиши муносабати билан институт талабалар ошхонасида эҳсон оши тарқатишди. Тадбирда 4-сонли талабалар турар жойида яшаётган талабалар ҳамда институт жамоаси иштирок этди. Замон талаблари асосида қайта капитал таъмирланган талабалар турар жойида талабалар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг дарс тайёrlаши, дам олиши ва интернет тармоқлари ва кутубхонадан эркин фойдаланиш имконини беради. Институтимиз ректори яратилган шароитлар ва имкониятлар сизнинг билим олиб илим ўрганишларингиз, мамлакатимизнинг эртанги куни учун яроқли, интеллектуал салоҳиятли кадр бўлиб етишишларингиз учун дея қайта-қайта уқтиридилар.



Институт Матбуот хизмати раҳбари Р.Жуманиёзов